Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 11

ТОШКЕНТ-2022

№11 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2022-11

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, академик, Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент, Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент, Азербайджон давлат иқтисодиёт университети

Ғоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор, Телави давлат университети

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор Қарши давлат университети

Маҳкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент ахборот технологиялари университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент, Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор, Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор, Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори, Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори, Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc) Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Гулчехра Агзамова
БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ҲАРБИЙ ИШ ТАРИХИДАН
(XVIII АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XIX АСРНИНГ ЎРТАЛАРИ).....4

2. Фируза Шомукарамова
ТЕРМИЗДА ШАРҚ МАДАНИЯТИ МУЗЕЙИ ВА ТУРКОМСТАРИС
ХАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН БИРИНЧИ АРХЕОЛОГИК
ЭКСПЕДИЦИЯСИ ТАРИХИДАН: ОЛИМЛАР СИМБИОЗИ.....11

3. Nodira Toliboyeva
O'ZBEKISTON XOTIN-QIZLAR TA'LIMI MASALALARI.....21

4. Дилафруз Ийманова
ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ИШЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ (1925-1941 йиллар).....29

5. Гулмира Каттаева
СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ.....37

6. Шерхон Кичкилов
ХОМКОН ҚИШЛОҒИ ТАРИХИДАН (Кўҳитанг тоғ қишлоқлари мисолида).....42

7. Dilfuza Nasretdinova
TURKISTONDA XOTIN-QIZLAR TA'LIMI.....49

8. Оксана Пуговкина
ЎРТА ОСИЁ ИККИДАРЁ ОРАЛИҒИ ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛОДДАН
АВВАЛГИ VI-IV АСРЛАРДАГИ ТАРИХИ "ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ"ГА
ДОИР КОМПЛЕКС АСАРЛАРДА (XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ-XXI
АСРНИНГ БИРИНЧИ ЎН ЙИЛЛИКЛАРИ) (ВАТАН ТАРИХШУНОСЛИГИ
ТАҲЛИЛИ АСОСИДАН).....53

9. Нодира Расулова
XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАКТАБЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ФАОЛИЯТИ.....63

10. Бозоргул Уринова
МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИЙ МАТБУОТИДА ТАРИХИЙ
ШАХСЛАР ТАЛҚИНИ (СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР МИСОЛИДА).....73

11. Ф. Саидов
XIX АСР ОХИРГИ ЧОРАГИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ
АФҒОН СИЁСИЙ ҚОЧОҚЛАРИ ХУСУСИДА.....80

12. Hamidbek Yusupov
XIVA MADRASALARI HAQIDAGI MA'LUMOTLAR RUS MANBALARIDA.....84

JOURNAL OF LOOK TO THE PAST
ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ISSN: 2181-9599
www.tadqiqot.uz

Гулмира Чориевна Каттаева
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD),
Термиз давлат университети, "Ўзбекистон тарихи
ва манбашунослик кафедраси" катта ўқитувчиси,
Email:kattayevag@tersu.uz

СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ТИПОЛОГИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

For citation: Gulmira Ch.Kattaeva. HISTORIOGRAPHY OF THE TYPOLOGY OF SAPALLI CULTURE JEWELRY. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 11, pp.37-41

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7310216

АННОТАЦИЯ

Сополли маданияти сўнгги бронза даврида Шимолий Бақтрия худудида шаклланган маданият бўлиб, ушбу маданиятга оид ёдгорликлардан жуда кўплаб тақинчоқлар топилган. Тақинчоқлар морфологик жиҳатдан турли хил шаклларга эга бўлиб, уларни типологик таҳлил қилиш, вазифасини чуқурроқ англашга ва аналогиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Ушбу мақолада Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган тақинчоқларнинг типологияси тарихшунослиги масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: Сополли маданияти, типология, тўғноғич, маржон, мунчоқ, шокила, тумор, узук, билагузук, сирға, тиллақошлар.

Гульмира Чориевна Каттаева,
доктор философии по истории (PhD),
Термезский государственный университет,
старший преподаватель кафедры истории
и источниковедения Узбекистана
Email: kattayevag@tersu.uz

ИСТОРИОГРАФИЯ ТИПОЛОГИИ САПАЛЛИНСКОЙ КУЛЬТУРЫ УКРАШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Сапаллинская культура считается культурой, сформировавшейся в районе Северной Бактрии в период поздней бронзы, и в памятниках этой культуры найдено множество украшений. Украшения имеют морфологически разные формы, и их типологический анализ помогает глубже понять их функцию и провести аналогию. В статье освещены научные сведения по вопросам историографии типологии украшений, обнаруженных из памятников сапаллинской культуры.

Ключевые слова: Сапаллинская культура, типология, булавки, ожерелье, бусы, подвески, кольцо, серьга, диадемы.

Gulmira Ch. Kattaeva,
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences,
Senior lecturer, Termez state University,
Department of "History of Uzbekistan and source studies",
Email: kattayevag@tersu.uz

HISTORIOGRAPHY OF THE TYPOLOGY OF SAPALLI CULTURE JEWELRY

ABSTRACT

The Sapalli culture is considered a culture that formed in the Northern Bactrian region in the period of the Late Bronze Age, and a lot of jewelry has been found in the monuments of this culture. The jewellery has morphologically different forms, and their typological analysis helps to gain a deeper understanding of their function and develop an analogy. It is illuminated scientific information about the issues of historiography of the typology of jewellery that were found from the monuments of the Sapalli culture in this article.

Index Terms: Sapalli culture, typology, pins, necklace, beads, pendants, ring, earring, diademas.

1.Долзарблиги:

Сўнгги бронза даврида, Сурхондарё вилоятига Сополли маданияти номи билан машҳур бўлган моддий маданият вакиллари келиб ўрнашади. Ушбу маданият Намозгоҳ маданияти туркумининг энг шарқий қанотини ва шунингдек, Қадимги Шарқ дунёсининг шимолий-шарқий чегарасини ташкил этади. Окс цивилизациясининг маҳаллий шимолий Бактрия варианти бўлган Сополли маданияти мил. авв. XX асрдан XV асргача бўлган давр оралиғида гуллаб-яшнаган. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида бугунги кунгача 45 га яқин Сополли маданияти ёдгорликлари аниқланган бўлиб, шулардан 12 тасида археологик қазишма ишлари олиб борилган. Ушбу маданият соҳиблари деҳқончилик, чорвачилик билан бир қаторда ҳунармандчиликни ҳам тенг ривожлантирган жамоа ҳисобланиб, айниқса ҳунармандчиликнинг бир тармоғи ҳисобланган заргарлик соҳасида жуда катта ютуқларга эришишган. Сополли маданияти ёдгорликларидан бугунги кунда инсонлар томонидан тақиб юриладиган тақинчоқларнинг барча турлари топилган. Тўғноғич, диадем, сирға, мунчоқ, маржон, шокила, тумор, билагузук ва узуклар шулар жумласидандир.

2. Методлар:

Тадқиқотларда типологияга қуйидагича таъриф берилган: «Типология – юнонча сўздан олинган бўлиб, «typos» – белги, из, намуна, шакл; «logos»-фан, таълимот деган маънони англатиб, объектлар тизимини қисмларга ажратиш ва уларни умумлашма модель ёки тип ёрдамида гуруҳлаштиришдан иборат илмий метод ҳисобланади»[7,11]. Тадқиқотимизнинг объекти Сополли маданиятининг бронза даври археологик ёдгорликлари (Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлали, Бўстон VI ва Тиллабулоқ) дан топилган тақинчоқлар (тўғноғич, маржон, мунчоқ, шокила, тумор, узук, билагузук, сирға ва тиллақошлар) морфологик турлари бўлиб, ушбу мақолада тақинчоқларнинг ясалиш шакли ва хомашёсига кўра синф, гуруҳ, типлари тарихшунослиги тўғрисидаги маълумотлар ёритилади. Шунингдек, мақола умум қабул қилинган тарихий методлар − тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Тарих фанида предметларнинг типологиясини ишлаб чиқиш уларнинг моҳиятини чуқурроқ англашга ва аналогиясини тадқиқ этишга ёрдам беради. Сополли маданияти тақинчоқларини бош ва бош кийимлар, бўйин учун ва қўл учун мўлжалланган тақинчоқлар гуруҳига ажратиш мумкин. Аммо, улар шакли ва хомашёсига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Тақинчоқлар орасида бош қисмига зооморф шаклдаги ҳайкалчалар ўрнатилган тўғноғичлар, тўпбарггулли тўғноғичлар, зооморф ва свастика тасвирли туморлар, кўзли сирғалар ясалиш шаклига кўра алоҳида ажралиб туради. Тақинчоқларни типологик таҳлил қилиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ўрганишга, шунингдек, Шимолий Бақтриянинг бронза даври аҳолисининг эстетик диди, диний дунёқараши, яшаш турмуш тарзи, савдо ва маданий алоқалари ҳақида маълумотлар олишга ёрдам беради.

Сополли маданияти тақинчоқлари типологияси бўйича маълумотлар А.А.Асқаров, В.В.Лунева, В.Д.Рузанов, К.Каниут, Н.А.Аванесова, Э.Люно, А.Ш.Шайдуллаев ва М.Б.Мейтарчияннинг[2,3,4,6,9,15,13,16,8,12] тадқиқот ишларида келтирилган.

А.А.Асқаров Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган тақинчоқларни морфологик жиҳатдан типларга бўлиб ўрганган. Хусусан, Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган тўғноғич, мунчоқ, шокила маржон, тумор, сирға, узук, диадемалар ва уларнинг ясалиш шаклига кўра типлари ҳақида маълумотлар келтирилган[2,4].

Сополли маданияти тақинчоқларининг кимёвий – металлургик, морфологик жиҳатдан типологик таҳлили А.А.Асқаров, А.А.Абдураззоқов, И.В.Богданова-Березовская ва В.Д.Рузановларнинг биргаликдаги илмий тадқиқот ишида[5], шунингдек, В.Д.Рузанов[10] ва К.Каниут[14] тадқиқотларида ёритиб ўтилган. Аммо, ушбу тадқиқот ишларида асосий эътибор Сополли маданиятининг Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан 1969-1993 йилларда аниқланган, металлдан ясалган тақинчоқларнинг кимёвий ва морфологик типларига қаратилган. Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларидан аниқланган минераллардан ясалган тақинчоқлар ва Тиллабулоқ, Бўстон VI ва Бўстон VII тақинчоқлари эътибордан четда қолган.

Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган тақинчоқларнинг типологияси В.В.Луневанинг докторлик диссертацияси ишида[6] Қадимги Марказий Осиёнинг бронза даври тақинчоқлари билан умумлашган ҳолда ёритилган. Тадқиқотчи ўз илмий тадқиқот ишида тақинчоқларни синф, гуруҳ ва типларга бўлиб ўрганган. Бунда тадқиқотчи тақинчоқларнинг инсон танасининг қайси қисмига тақилишига қараб синф ва гуруҳларга ажратган бўлса, ясалган хомашёси ва морфологик жиҳатдан тип ва кичик типларга бўлиб чиққан, шунингдек ушбу тақинчоқларнинг Ўрта Осиёдаги аналогияси тўғрисида умумий маълумот бериб ўтган. Хусусан, муаллиф ушбу илмий тадқиқот ишида Марказий Осиёнинг бронза даври тақинчоқларини тўртта синфга ажратган:

1. Бош учун мўлжалланган тақинчоқлар;
2. Бўйин ва кўкракка тақиладиган тақинчоқлар;
3. Қўл ва оёқ учун мўлжалланган тақинчоқлар;
4. Кийим учун мўлжалланган тақинчоқлар.

Ушбу синфларга мансуб тақинчоқлар ўз навбатида ясалиш шакли ва хомашёсига кўра қуйидагича гуруҳ, тип ва кичик типларга бўлинган:

Бош учун мўлжалланган тақинчоқлар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ – соч учун мўлжалланган тақинчоқлар – ўз навбатида икки типга бўлинган: 1 – бош кийимлар ва улардаги безаклар; 2 – соч ва нина тўғноғичлар. Иккинчи гуруҳ – бош учун мўлжалланган тақинчоқлар – ўз навбатида икки типга бўлинган: 1 – сирғалар; 2 – чакка учун ҳалқалар.

2.1.1.жадвал.

Бош учун мўлжалланган тақинчоқлар типологияси.

№	Гуруҳ	Тип
1	Соч учун мўлжалланган тақинчоқлар	бош кийимла ва улардаги безаклар
		соч ва нина тўғноғичлар
2	Бош учун мўлжалланган тақинчоқлар	сирғалар
		чакка учун ҳалқалар

Бўйин ва кўкракка тақиладиган тақинчоқлар синфи учта гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ – шокила маржонлар – улар ўз навбатида ясалган хомашёсига кўра учта типга бўлинган:

1 – рангли металлдан ясалган шокила маржонлар; 2 – турли хил минераллардан ясалган шокила маржонлар; 3 – чиғаноқ ва марвариддан ясалган шокила маржонлар. Иккинчи гуруҳ – мунчоқлар – ўз навбатида учта типга бўлинган: «миср фаянси»дан ясалган мунчоқлар, тошдан ясалган мунчоқлар, шишадан ясалган мунчоқлар. Учинчи гуруҳга уч турдаги тақинчоқлар киритилган: маржон – мунчоқ шодалари, жевак, кўкракка оид тақинчоқ.

2.1.2.жадвал.

Бўйин ва кўкракка тақиладиган тақинчоқлар типологияси.

№	Гуруҳ	Тип
1	Шокила маржонлар	рангли металлдан ясалган шокила маржонлар
		турли хил минераллардан ясалган шокила маржонлар
		чиғаноқ ва марвариддан ясалган шокила маржонлар
2	Мунчоқлар	«миср фаянси»дан ясалган мунчоқлар
		тошдан ясалган мунчоқлар
		шишадан ясалган мунчоқлар
3	Кўкракка тақиладиган тақинчоқлар	маржон – мунчоқ шодалари
		жевак
		кўкракка оид тақинчоқ

Қўл ва оёқ учун мўлжалланган тақинчоқлар синфи иккита гуруҳга бўлинган: биринчи гуруҳ – билагузуклар – ўз навбатида иккита типга бўлинган: 1 – қўл учун мўлжалланган билагузуклар; 2 – оёқ учун мўлжалланган билагузуклар. Иккинчи гуруҳ икки типга бўлинган: узуклар ва сигнал узуклар (кольца и перстни).

2.1.3. жадвал.

Қўл ва оёқ учун мўлжалланган тақинчоқлар типологияси.

№	Гуруҳ	Тип
1	Билагузуклар	қўл учун мўлжалланган билагузуклар
		оёқ учун мўлжалланган билагузуклар
2	Узуклар	оддий узуклар
		сигнал узуклар (кольца и перстни)

Кийим учун мўлжалланган тақинчоқлар синфи икки гуруҳга бўлинган: тикилган безаклар (кўкрак нишони, қадама безак, тугма) ва камар, белбоғ учун безаклар.

Аммо, ушбу тадқиқот ишида ҳам, Жарқўтон ёдгорлигидан 1994-2003 йиллар давомида Ўзбекистон-Германия ва 2005-2013 йилларда Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициялари натижасида аниқланган 200 дан ортиқ тақинчоқлар ва Тиллабулоқ, Бўстон VI ва Бўстон VII тақинчоқлари тадқиқот доирасига тортилмаган.

Бронза даври тақинчоқлари типологияси Н.А.Аванесова илмий тадқиқотида ҳам келтириб ўтилган[1]. Аммо тадқиқотда Андроново маданиятига тегишли Жанубий Урал, Ғарбий Сибирнинг жанубий чеккаси, Шимолий ва Марказий Қозоғистон ҳудудларидаги ёдгорликлардан топилган бронза даври тақинчоқлари классификация қилинган бўлиб, улар қуйидагича синфларга бўлинган: бош учун мўлжалланган тақинчоқлар – ушбу синфга сирға ва шокила сирғалар киритилган; бўйин ва кўкракка мўлжалланган тақинчоқлар – ушбу синфга кўкрак нишони, қадама безаклар, шокила мунчоқлар, жевак(жевак – қадимги ҳалқларда бўйинга тақиладиган кумуш ёки олтин безак) ва мунчоқлар киритилган; қўл учун мўлжалланган тақинчоқлар – ушбу синфга билагузук ва узуклар киритилган. Ушбу тақинчоқлар яна ўз навбатида морфологик жиҳатдан тип ва кичик типларга бўлиб ўрганилган.

Сополли маданияти ёдгорликларидан топилган туморлар типологияси А.А.Асқаров[2,3], А.Ш.Шайдуллаев[12] ва М.Тойфер[17] каби тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот ишларидан ёритиб ўтилган.

Сополли маданиятидан топилган тош ва металл тақинчоқлар типологияси Э.Люно[16] ва М.Тойфер[17] каби хорижий илмий тадқиқотчилар монографияларида ҳам келтирилган. Тадқиқотчи Э.Люно Сополли маданиятининг сўнгги Кўзали, Мўлали, Бўстон босқичига тегишли ёдгорликлардан топилган металл ва тош тақинчоқларни ясалиш шаклига кўра типологиясини келтирган. Сополли, Жарқўтон босқичларига тегишли ёдгорликлардан топилган тақинчоқлар ва уларнинг типологияси тўғрисида маълумот берилмаган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек Сополли маданияти тақинчоқлари бир томонлама, ёки айрим ёдгорликлар мисолида типологик таҳлил қилинган. Шу жиҳатдан тақинчоқларнинг тўлиқ, тўлдирилган типологиясини ишлаб чиқиш мақсад мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аванесова Н.А. Культура пастушеских племен эпохи бронзы Азиатской части СССР. – Ташкент, 1991. - 202 с.
2. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент, 1977. - 232 с.
3. Аскаров А. Сапаллитепа. – Ташкент, 1973. - 172с.
4. Аскаров А., Абдуллаев Б. Джаркутан. – Ташкент, 1983. - 122 с.
5. Аскаров А., Абдуразаков А., Богданова-Березовская И.В., Рузанов В.Д. Химический состав металлических предметов из поселения Сапаллитепа // ИМКУ, 12. – Ташкент, 1975. – С. 72-84.
6. Лунева В.В. Формирование и развитие ювелирного искусства в среднеазиатском двуречье (III-II тыс.до н.э – III-IV вв.н.э): Афтореф. дис. д-ра ист. наук. – Ташкент, 2009.
7. Мартынов А.И., Шер Я.А. Методы археологического исследования // Учебное пособие для студентов вузов. – Москва, 1989. - 223 с.
8. Мейтарчиян М.Б. Амулет эпохи бронзы с поселения Джаркутан // ИМКУ, 9. – Ташкент, 1984. – С. 41-45.
9. Рузанов В.Д. Металлообработка на юге Средней Азии в эпоху бронзы. – Самарканд, 2013. - 347 с.
10. Рузанов В.Д. Миграция племен в Узбекистане в эпоху палеометалла (Часть 1) // Археология Узбекистана №1(2). – Самарканд, 2011. – С. 25-39.
11. Типология // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Тошкент, 2008. – Б. 107.
12. Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданиятининг глиптикаси ва сфрагистикаси. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация матни. – Тошкент, 2017.
13. Avanesova N.A. Buston VI – the necropolis of fire - worshippers of preurban Bactria. – Samarkand, 2016. . - 634 pp.
14. Kaniuth K. Metallobjekte der Bronzezeit aus Nordbaktrien // AMIT. Band 6. – Berlin, 2006. - 259 pp.
15. Kaniuth K. The Metallurgy of the late Bronze Age Sapalli Culture (Southern Uzbekistan) and its implications for the “Tin Question” // Iranica Antiqua, Vol. XLII. – Belgium, 2007. – P. 23-40.
16. Luneau E. L’age du Bronze final en Asie Centrale meridionale(1750-1500/1450 avant n.e.): la fin de la civilisation de l'Oxus. Volume 2: Annexes, Archéologie et Préhistoire. Université Panthéon-Sorbonne - Paris I-Français, 2010. - 615 pp.
17. Teufer M. Spätbronzezeitliche Grabfunde aus Nordbaktrien und benachbarten Regionen. Archäologie in Iran und Turan. Band 13. – Berlin, 2014. – 685 pp.

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 11

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000